

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Кенгаши 2017 йил 16 июнь соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 3, манзилида жойлашган Банкнинг бош офисида Банк акциядорларининг навбатдаги йиллик Умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилади.

ЙИҒИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

- 1) Банк Кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи ҳамда ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;
- 2) Банк Тафтиш комиссиясининг йил яқунлари бўйича ҳисоботини эшитиш;
- 3) Банкнинг 2016 йил яқунлари бўйича молиявий ҳисоботларини тасдиқлаш ва ташқи аудиторнинг йил яқунлари бўйича ҳисоботини эшитиш;
- 4) Банк фойдасини тақсимлаш;
- 5) Банкнинг 2017 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш;
- 6) Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш;
- 7) Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
- 8) Банк Бошқаруви Раиси билан тузилган меҳнат шартномасини муддатини 1 (бир) йилга узайтириш;
- 9) Банкнинг эълон қилинган акциялари миқдорини белгилаш;
- 10) Банкнинг Уставига киритилаётган ўзгартиришларни тасдиқлаш;
- 11) Банк корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;
- 12) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган орган номи: Банк Кенгаши.

Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун банк акциядорлар реестрини шакллантириш санаси: 2017 йил 6 июнь.

Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга банк акциядорлар реестрини шакллантириш санаси: 2017 йил 12 июнь.

Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишида кўриладиган масалалар бўйича маълумотларни қуйидаги манзилда танишиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 3, Банкнинг Бош офиси.

Банкнинг электрон почта манзили: info@xb.uz.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 120-17-87; 120-17-86.

Банк Кенгаши